ГЛОБАЛЛАШУВ: МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МАДАНИЯТЛАР МУЛОҚОТИ

Ф.Юлдашева

Мақолада глобаллашув шароитида миллий ўзликни англаш ва маданиятлараро мулоқот масалалари ўрганилади. Ижтимоий ҳаёт модернизацияси жараёнида миллий ва глобал маданият муносабатлари ва диалогидан келиб чиқиб хулосалар берилади.

Калит сўзлар: *глобаллашув, модернизация, миллий ўзликни англаш, традиционализм, миллий ва глобал маданият, маданиятлараро диалог.*

В статье изучаются проблемы национального самосознания и межкультурного диалога в условиях глобализации. Делаются выводы исходя из взаимоотношений и диалога национальной и глобальной культур в процессе модернизации социальной жизни.

Ключевые слова: *глобализация, модернизация, национальное самосознание, традиционализм, национальная и глобальная культура, межкультурный диалог.*

The article studies the problem of national identity and intercultural dialogue in the context of globalization. Conclusions are made on the basis of the relationship and the dialogue of national and global cultures in the process of modernization of social life.

Key words: *globalization, modernization, national identity, traditionalism, national and global culture, intercultural dialogue..*

Ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида глобаллашувнинг чуқурлашиб бориши, турли давлатлар ва миллатларнинг тобора бу жараёнга тортилиши унга акс таъсир сифатида миллийлик билан боғлиқ бўлган соҳаларни кескин ўзгартириб юборди. Бир томондан, ҳар қандай миллатнинг эртами-кечми глобаллашув жараёнига тортилиши, бошқа миллатлар ва уларнинг маданиятлари билан алоқадорлик чегараларининг кенгайиши, тез суръатлар билан амалга ошаётган модернизация, инновацияларнинг тарқалиши объектив ва қонуний хусусиятга эга бўлса, иккинчи томондан, бу жараёнга мослашиш, баъзан унинг миллийликка салбий таъсир қилувчи жиҳатларидан ҳимояланиш йўлларини топиш ва, зарур бўлганда, уларга қарши кураш механизми ва усулларини назарий ишлаб чиқиш муҳим фалсафий масаладир.

Глобаллашувнинг натижалари (ижобий жиҳатлари) ва оқибатлари (салбий жиҳатлари) миллий маданият ва маънавият, миллий қадриятлар тизимига таъсир этиши табиий. Ҳозирда глобаллашув шароитида юзага келаётган универсаллашув, бир томондан, барча миллатлар учун тараққиётнинг бир хил қолипларини тақозо этса¸ иккинчи томондан, ана шу жараёнлар таъсирида миллий ўзликни англаш, анъанавийлик ва миллий ўзакларга қайтишга интилишни кучайтирмоқда.

Миллий ўзликни англаш масаласи миллат билан боғлиқ муаммоларнинг негизи ҳисобланади. Бу масала доим ҳам ижтимоий-фалсафий фанларнинг диққат марказида бўлиб келган. Миллий ўзликни англаш тараққий этган миллатлар қаторидан муносиб жой эгаллаш ҳамда улар билан тенг ҳуқуқли диалог

олиб бориш, бир сўз билан айтганда, миллат этностатусининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Фалсафа тарихига назар солсак, ўзликни ва миллий ўзликни англашга мутафаккирлар катта эътибор қаратганлар. Жумладан, Суқрот билиш инсоннинг ўз-ўзини англашидан бошланишини айтади. Ислом фалсафасига мурожаат этсак, қуйидаги қимматли фикрларни ўқиймиз: “Кимки ўзлигини таниса, у раббини танийди” [1.196]. Ғаззолий инсон ўзини, ўзлигини таниганда ҳамда ўзини камолга етказгандагина ўзгани ва Худони танийди, деб уқтиради [2.5-76]. Фаробий миллий ўзликни англашни кишиларнинг руҳи ва уларнинг бирлашиши натижасида кўпчиликнинг бирлашуви, унинг оқибатида авлодлар ўртасидаги боғлиқлик ва ворислик доирасида талқин этади [3.164-165].

Миллий ўзликни англаш миллат шаклланишининг асосий шартларидан бири бўлиб, у ўзга миллатлар ва уларнинг маданиятини инкор этиш ҳисобига эмас, аксинча, уларга ҳурмат билан қараш, ўзини бошқа миллатлар маданияти ва маънавиятига таққослаш, уларнинг илғор томонларидан ўрнак олиш ва уларни ўзлаштириш орқали ўзига хослиги ва менталитетини сақлаб қолиш демакдир. “Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз” [4.114].

Миллий ўзликни англаш масаласининг марказида миллий маданият муаммоси туради. Миллат ва миллий маданият идентификацияси маданиятлараро мулоқотсиз ва диалогсиз амалга ошмайди. Маданиятлараро диалог давомида миллий маданият ўзини англайди, унда ўзини бошқа маданиятлар билан солиштириш, баҳолаш ва қайта баҳолаш имкони туғилади. Бундай диалог маҳаллий маданиятга ўзининг консерватив ва айрим догматик томонларини тушуниб етиш, улардан воз кеча олиш ва ўзига нисбатан танқидий ёндашишга ёрдам беради. Ҳар қандай маданият бундай сифатда яшай олиши ва тараққий эта олиши учун у бир вақтнинг ўзида турли маданиятлар чегарасида мавжуд бўлиши, улар билан диалогга кириши, улар қўйган долзарб саволларга жавоб бера олиши ва улар орқали ўзини намоён эта олиши зарур [5.286]. Аксинча, бошқа маданиятларнинг таъсиридан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида атрофига тўсиқ қўйиб, “беркиниб олишга” ҳаракат қилмоқчи бўлган миллат ва маданият замонавий интеграция, модернизация жараёнларидан, замон талабларидан, демак, тараққиётдан орқада қолади.

Жамиятда амалга ошиб бораётган модернизация ва алоқадорликни инкор этувчи маданият фақат анъанавий моҳиятга эга бўлиб, ривожланиш потенциали пасайиб, фундаментализм томон боради. “Ҳар қандай анъана ёки мафкурада толерантликка ва диалогга қобилиятини йўқотиш, монологлашиб ва агрессивлашиб бориш, ўзини ягона ҳақиқий таълимот деб ҳисоблаб (англаб ва уни эълон қилиб), фундаментализм шаклига ўтиш имкониятлари мавжуд” [6.24-25]. Бу нуқтаи назардан бошқа маданиятлар таъсирида ўзгара олмайдиган ўз қобиғига ўралиб қолган маданият ҳам ривожланмайди. У узоқ вақт давомида ихоталанган ҳолда яшаса, бошқа маданият таъсирида ривожлана олиш қобилиятини ҳам йўқотиб боради. Бундай шароитга тушиб қолган маҳаллий миллий маданият замонавийликдан, илғор маданият ва технологиядан, глобаллашувнинг миллат равнақига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган прогрессив таъсирларидан ажралиб қолиши мумкин. Чунки миллий маданиятнинг бойиши ва ранг-баранглиги унинг янги элементларни қабул қила олиш потенциали ҳисобига таъминланади. Маълумки, ҳар қандай ранг-баранглик ва турли-туманликнинг моҳияти бирхилликнинг моҳиятидан кўра бойроқ. Хулоса шуки, бир томонлама сунъий тазйиқ ва зўракиликдан озод бўлган глобал маданият турли маданиятларнинг илғор элементларидан ташкил топгани учун ҳам бойроқ ва прогрессивроқ. Яъни уни турли-туманликдан ва ранг-барангликдан иборат бўлган бир маданий тизим сифатида эътироф этиш мумкин.

Ташқи таъсирни қабул қила олиши ва унга акс таъсир кўрсатиб “жавоб бера олиши” учун маҳаллий миллий маданият маълум зарурий базага, уни инъикос эта олиш имконияти билан таъминловчи анъанавий маданият ва миллий қадриятларга асосланган фундамент ва потенциалга эга бўлиши зарур. “Ўзаро инсоний муносабатлардаги каби сўз бошқа “сен”ни “сен” сифатида англаш, яъни унга бизга ниманидир айтиш имконини бериш ва у айтган нарсани эшитиш каби тарихий билишда ҳам объективистик четланиш эмас, бошқа даврни эшитиб кўришга тайёрлик талаб этилади” [7.425]. Бундай мулоқот маҳаллий маданиятнинг яшовчанлигини белгилайди, унинг ўзига хослигига путур етказмаган ҳолда моҳиятини бойитади ва келажак тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳар бир миллатнинг миллий маданий онгида ва онг остида мазкур маданиятнинг ўзигагина тегишли бўлган ташқаридан келаётган ва маҳаллий маданиятга зид бўлган элементларни англаш, уларни танлаб олиб “элакдан ўтказувчи фильтр” архетип яшайди. Бундай архетиплар оламни англашнинг ўзига хос эталонлари (миллий қадриятлар, анъаналар, менталитет) бўлиб хизмат қилади [8.62]. Ана шу архетип маҳаллий маданиятнинг моҳиятига, аниқроғи, кодига (“маданият коди” тушунчаси маълум белгилар, маънолар, ҳаракатлар ёрдами-

да бирон-бир жисмоний тизим ҳолатини бошқа ана шундай тизим ҳолати орқали акс эттиришни ифода этади) [9.53-54] мос келувчи элементларни танлаб олиш, ёт бўлганларини суриб юбориш, мажбуран кириб қолганларини эса сиқиб чиқаришга ёрдам беради. Бундай архетипларга тарихий даврнинг хусусиятлари ва моҳияти катта таъсир кўрсатади. Масалан, XX асрнинг биринчи ярми билан сўнгги даври маданий жиҳатдан бир-биридан анча фарқ қилади. Бу фарқ ана шу архетипда ўз аксини топган. Замонда ўзгариб туришига қарамасдан, архетиплар миллий маданият ва, умуман, миллий онг учун ташқи салбий таъсирдан ҳимоя қилувчи мустаҳкам тўсиқ ва ҳимоя вазифасини бажаради.

Традиционализм миллий маданият ва маънавият соҳасида прогрессив янгиликларни тан олувчи, толерант, замонавийликка прагматик кўз билан қаровчи нодогматик традиционализм хусусиятларига эга бўлгандагина маданий тараққиётга хизмат қилади. Фақат ўтмишни акс эттирувчи тарихий маданиятнинг ўзи (у қанчалик миллий хусусиятга эга бўлмасин) миллатнинг келгуси тараққиёти учун камлик қилади. Чунки “Маданият - бир вақтнинг ўзида ўтмиш, ҳозирги давр ва келажак инсонларининг ва маданиятининг биргаликда мавжудлиги ва ўзаро муносабати, ушбу маданиятлар диалогининг (ва туғилишининг) шакли” [5.289].

Глобаллашув ўз-ўзидан очиқлик ва толерантликни тақозо этади. Лекин бу ҳодисалар миллийлик, миллий маданият ва миллий ўзликни англаш масалалари билан боғлиқликда таҳлил этилганда, ортиқча очиқлик ва толерантликнинг оқибатлари доим ҳам ижобий бўлмаслиги, миллий маданиятнинг ўзига хослиги, барқарорлиги ва қайтарилмаслигига путур етиши мумкинлиги кўринади. Ҳар қандай миллийлик моҳиятига эга бўлган ҳодиса, шу жумладан, маданият ҳам барқарордир. У миллийлигини йўқотиб бориш билан барқарорлигини ҳам йўқотиб боради. Глобал маданият эса очиқ бўлгани ва ўта толерантлиги учун ҳам барқарор эмас. Бунинг олдини олиш учун миллий маданият толерантлик билан бирга диалог олиб бориш, диалог жарёнида ўзининг иштироки билан ташқи таъсирлардан ҳимояланиш потенциалига эга бўлиши зарур. “Айтиш мумкинки, реал жамият ўз фуқароларининг толерантлиги ҳисобига қайта ташкил топади, лекин ривожланиш диалогни талаб этади. Бошқача қилиб айтганда, толерантлик биргаликда тинч яшашнинг шарти, диалог ривожланишнинг шарти ва талаби” [6.27].

Аслини олганда, глобаллашув хусусиятларига эга бўлиб бораётган маданият прогрессив ва тараққий этаётган маданият ҳисобланади. Чунки у ўзининг очиқлиги ҳисобига тезроқ ривожланади. Лекин очиқ тизим элементларнинг кириши учун ҳам, ундан чиқиши учун ҳам қулай. Бундай тизим очиқлиги учун ҳам қатъий ва барқарор эмас. Бундай шароитда ўзини ҳимоя эта олмайдиган маҳаллий маданият, унинг хоҳиш иродасидан қатъий назар, унификация жараёнига тортилиши ва миллатнинг этностатуси ҳам хавф остида қолиши мумкин.

Ҳар қандай миллий маданият ўзига хослиги ва менталитетини англаш ва уни сақлай олиш орқалигина жаҳон маданиятлари сафидан жой олиш, уларни ўзга миллатлар маданиятига таққослаб кўриш ва ўрганиш ҳисобига ўзи ҳам ривожланиш ҳамда жаҳон маданияти ва цивилизацияси тизимига қўшилиш имкониятига эга бўлади. “Ҳар бир янги авлод ўз ҳаётини бошқа мамлакатларда рўй берган кўтарилиш, тараққиёт билан таққослаб кўради ва таназзул сабабларини қидиради. Агар таназзул сабабларини тўғри топса, энди ўтмишдаги хатоларни такрорламасликка интилади, тўғри йўлга тушиб олишга ҳаракат қилади” [10.366].

Ўзбек миллий маданияти катта тарихий тажрибага эга. Бу ҳақда таниқли ўзбек адабиётшуноси О.Шарафиддинов қуйидаги фикрларни ёзган эди: “Шуниси қувонарлики, бу маданият ҳеч қачон миллий қобиғига ўралиб қолган эмас. У қадим-қадимдан умумбашарий қадриятлар билан узвий алоқада бўлиб, муттасил бойиб, такомиллашиб боргани учун нафақат ўзи шаклланган ҳудудда, балки жаҳон маданий майдонида ҳам муҳим ўрин тутади. Бу маданият ҳозирги кунга қадар Шарқнинг ранго-ранг цивилизация ютуқларидан баҳраманд бўлгани каби, Ғарб тамаддунининг ҳам энг яхши тажрибаларини ўзлаштириб, улардан фойдаланиб, ривожланиб келмоқда. Албатта, бу мутлақо табиий ва қонуний жараён” [11.19-20].

Миллий ўзликни англаш миллий онг масаласига ҳам алоқадор. Миллий онг – англанган онг. Миллий ўзликни англаш ўзини баҳолаш ва мунтазам қайта баҳолаб бориш ҳамдир. У англанганлиги туфайли ҳам барқарор ҳисобланади. Барқарорлик эса, маълумки, ўзини ҳимоя эта олиш қобилиятига эга. Миллий онгнинг таркибида қандай элементлар кўпроқ бўлиши, унинг қайси жиҳатлари асосий бўлиши ва у қандай йўналган бўлиши масаласи муҳимдир. Бу соҳада фақат миллий тарихий қадриятлар билан ёки, аксинча, замонавий илғор қадриятлар билан чекланиб қолиш нотўғри бўлади.

“Мамлакатда фуқаролик дунёси ва миллий келишув сиёсатини олиб боришга имкон яратувчи бошқа турдаги ижтимоий онгни ташувчиларнинг ғоялари, қарашлари ва қадриятлари билан кенг мулоқот қобилиятини кўрсата олган онггина тарихий истиқболга эга бўлган ижтимоий онг бўла олади. У тарихий истиқболга эга бўлиб, мамлакатда ижтимоий, маънавий ва мафкуравий бирликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади” [12.17]. Миллий онгнинг ижтимоий онгнинг бошқа турлари билан ҳамда уларда акс этаётган турли маданият ва қадриятлар билан мулоқот қила олиш қобилияти унинг келажак тараққиёти учун кенг имкониятлар яратади. Демак, миллий онгдан бошқа маданият ва қадриятларни акс эттириш билан-

гина чекланиб қолмасдан, улар билан мулоқот қила олиш потенциалига ҳам эга бўлиш талаб этилади.

Мустақиллик туфайли юзага келган иқтисодий-сиёсий, маданий-маънавий омиллар миллий онгни ҳозирги замон руҳига мос равишда шакллантириш ва ривожлантириш, барча соҳаларда амалга оширилаётган модернизация жараёнларини тўғри акс эттириш, креативлик хусусиятига эга бўлган инновацион онгни шакллантиришга замин яратади Аммо бу соҳада ҳозирги давр ўзининг маълум мураккабликларига ҳам эга. Чунки жамият бир вақтнинг ўзида мустақиллик дунёқараши ва миллий ғояни шакллантириш, глобаллашувнинг салбий оқибатларидан миллий ҳимояланиш, ўтиш даврининг қийинчиликларини енгиб ўтиш билан боғлиқ бўлган вазифаларни амалга ошириши зарур бўлмоқда.

Гап глобаллашув жараёнига қарши курашиш ҳақида эмас, балки ушбу жараённинг миллий маънавиятга, демак, миллий ўзликни англашга салбий таъсир этувчи оқибатларига қарши курашиш ва улардан ҳимояланиш ҳақида бормоқда. Чунки инсониятнинг ўзи интеграция жараёнлари билан қанчалик боғлиқ бўлса, глобаллашув жараёни билан ҳам шунчалик боғлиқ. Инсоният тарихи ушбу объектив ва қонуний жараённи четлаб ўта олмайди. Янги маданият даврнинг ижтимоий эҳтиёжлари, ижтимоий тараққиётнинг талаблари ва манфаатлари асосида ривожланади. Бундай эҳтиёжлар ўз-ўзидан объектив равишда глобаллашувнинг кириб келишига сабаб бўлади. Ҳозирги даврда жаҳон интеграция жараёнига қўшилмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ва миллат глобаллашув жараёнига ҳам тортилади. Ундан йироқлашишга ва бу жараёнга қўшилмасликка ҳаракат қилган субъектлар эса жамиятнинг тараққиётдан орқада қолишига сабаб бўлиши мумкин. “Демак, биз глобаллашув жараёнида оқилона йўл тутсак, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий равнаққа эришишимиз мумкин экан. Оқилона йўл эса глобаллашувни тўла инкор қилиш ёки чапак чалиб кутиб олишда эмас, керак бўлганда унинг йўналишига мослашишда, тегишли пайтда уни ўзимизга мослаштиришда” [13.66].

Миллатнинг асосий белгиси ҳисобланган ҳар қандай миллий маданият асосида эса янгиликка интилувчи миллий ижодий кучлар сақланиб қолади. Бу кучлар миллий қадриятлар ва анъаналарга, миллий турмуш тарзи ва миллий психологияга асосланади. Демак, миллат қайд этилган омиллар асосида сақланади. Унинг миллийлигини таъминлаб турувчи бундай асосларнинг элементлари авлоддан-авлодга ўтгани сари сақланибгина қолмай, тараққий ҳам этади. Бундан хулоса шуки, глобаллашув миллатлар ҳаётини, уларнинг миллийлигини ўзгартириб юборади, лекин тўла йўқотиб юбора олмайди, чунки унинг тараққиёт суръатлари миллий тараққиёт суръатларидан тезроқ бўлса-да, тараққиёт потенциали миллий тараққиёт потенциалидан кучли эмас. Бунинг сабаби унинг асосида кўпроқ иқтисодий жиҳатлар мавжудлиги ҳамда турли субъектларнинг аралашуви натижасида тобора сунъийлашиб бораётганида. Бундай глобаллашув миллийликдан устун бўла олмайди.

Глобаллашув прогрессив жараён. Глобаллашув жараёни миллатлар ва мамлакатлар олдига бу жараённинг салбий оқибатларидан ҳимояланишни ҳам долзарб вазифа қилиб қўйди. Ўзбекистон учун бу вазифани амалга оширишнинг бирдан-бир йўли бошқа миллий маданиятлар, янгиликларга ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган ҳолда ўзининг барқарор миллий маданий ва маънавий асосларига, яъни миллий маданият, миллий маънавият ва миллий қадриятларга эга бўлишни, уларни ҳимоя қилишни таъминлашдир. Глобаллашув шароитида ана шу йўл орқали ўзининг маданий идентификацияси, маданий ўзаги, демак, миллий ўзликни сақлаб қолиш мумкин. Чунки демократик тараққиёт ҳар қандай янги маданиятнинг кетидан кўр-кўрона эргашиш, қувиш дегани эмас.

Глобаллашув шароитида Ўзбекистон учун демократик тараққиёт ва модернизация ҳозирги даврнинг илғор, демократик ютуқларини миллий тарихий анъанавий маданият, маънавият ва қадриятлар билан уйғунлаштириш асосида амалга ошиши мақсадга мувофиқдир. Глобаллашув жараёнининг оқибатларини имкон борича зарарсизлантириш унга таъсир қилиш нуқтаи назаридан ўз-ўзини англаш ва миллий англаш глобаллашувга таъсир этувчи асосий ижобий омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Глобаллашув жараёнида иштирок этишнинг бундай усули миллатнинг маданий ва маънавий яхлитлигини сақлаб қолишга, унинг миллий ўзлигидан чекинмасликка ва соф миллий-инсоний фазилатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнига миллий ўзликни англаш орқали кириб бориши унинг прогрессив тараққиёт йўлидан боришини англатади.

Адабиётлар:

1. Носируддин Рабғузий. Қиссаи Рабғузий. 1-китоб.-Т.: Ёзувчи, 1990.

2. Ғаззолий. Кимёи саодат (“Дил ҳақиқати”).- Т.: Камалак, 1995.

3. Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри.- Т.: Халқ мероси, 1993.

4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008.

5. Библер О. От наукоучения к логике культуры: два философских введения в двадцать первый век.- М.: Политиздат, 1991.

6. Рац М. Диалог в современном мире. // Вопросы философии.- 2004.- № 10.

7. Гадамер Х. Истина и метод.- М.: Наука, 1988.
8. Минюшев Ф.И. Социальная антропология.- М., 1997.
9. Орлова Э.А.Концепция социокультурного пространства.- М., 2002.
10. Ч.Айтматов, М.Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори.- Т.:Шарқ, 1998.
11. Шарафиддинов О. Экология ва маданият. // Тафаккур. 2005.- № 1.
12. Леонова О.Г. Вызовы глобализации и актуальные тренды общественного сознания в России XX века. // Социально-гуманитарные знания.- 2008.- №1.
13. Бегматов А. Маънавият фалсафаси. 2-китоб.- Т., 2006.

Андижон давлат университети,
2016 йил 16 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)